



ТОШКЕНТ ҲАҚИДАТИ

2006 йил
23 август
ЧОРШАНБА
№ 66
(11.869)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

БУНЁДКОРЛИК САОДАТИ

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 22 август кuni Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Ўтган ўн беш йилнинг ҳар бир кuni ҳаётимизга янги бир ўзгариш олиб кирди, десак муболага бўлмайди. Биз бой ва қадимий тарихдан гурурланиб, бугунги кунга шукрона белгилаб, келажакка ишонч билан яшаётган халқмиз. Биз бугундан сўз очганда эртани ўйлайдиган, эртадан гапирганда кечани унутмайдиган миллатмиз. Биз

истиқлол истиқбол ва масъулият эканини яхши биламиз: Ватанга садоқат, юртни янада обод қилиш, бунёдкорлик масъулияти.

Истиқлолимизнинг ўн беш йиллик тўйини янги ютуқлар билан кутиб олмақдамиз. Буларнинг барчасига юртимизда ҳукм сураётган оқсоқуллик, халқимизнинг яратувчанлик, бунёдкорлик руҳи

сабаб эришмоқдамиз.

Бугун Ўзбекистонни том маънодаги қурилишлар майдонига менгаш мумкин. Қай бир гўшага — шаҳару қишлоққа борманг, янгидан-янги иншоотларга — корхоналар, тиббиёт муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежлар, спорт мажмуалари, равон йўллар, кўприклар, маҳалла гузарлари, бозорлар, боғлар, хиёбонларга кўзингиз тушади.

Мамлакатимиз пойтахтида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 август кuni Тошкент шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент катта ҳалқа йўлининг якуний босқичида амалга оширилган ишларни кўздан кечирди. Усмон Носир кўчаси Сирғали, Кўйлик ва Отчопар бозорига борадиган кўча-

лар билан кесишадиган йирик чорраҳада қурилган 49 метр узунликдаги йўл ўтказгич ва Эркин кўрғони ҳудудидан ўтадиган умумий узунлиги олти километрик янги йўл Тошкент катта ҳалқа йўли боғлади. Замон талаблари асосида қурилган мазкур йўлнинг ҳар икки томонида транспорт воситалари уч қатордан ҳаракатлана олади.

Шу пайтгача мамлакатимизнинг жанубий ва

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Геология-кидирув ишларини прогноزلаш, углеводородларни излаш, разведка қилиш, қазиб чиқаришдан тортиб уларни қайта ишлаш ва маҳсулот сотишгача бўлган ишлаб чиқариш-технологик циклининг барча босқичларида корхоналарнинг ўзаро боғлиқ ҳамда мақсадга йўналтирилган ишларини таъминловчи нефтгаз комплексини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, шунингдек ягона техникавий сиёсатни олиб бориш ва тармоққа хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ўзбекнефтгаз» МХК ҳамда нефтгаз тармоғи компаниялари ва корхоналари акциядорларининг:

«Ўзгеобургунефтгаз» акциядорлик компаниясини шакллантириш, шунингдек «Ўзгеобургунефтгаз» ва «Ўзнефтгаз» акциядорлик компанияларини ташкил этишни;

«Ўзгеобургунефтгаз» акциядорлик компаниясини шакллантириш, шунингдек «Ўзгеобургунефтгаз» ва «Ўзнефтгаз» акциядорлик компанияларини ташкил этишни;

«Ўзгеобургунефтгаз» акциядорлик компаниясини шакллантириш, шунингдек «Ўзгеобургунефтгаз» ва «Ўзнефтгаз» акциядорлик компанияларини ташкил этишни;

«Ўзгеобургунефтгаз» акциядорлик компаниясини шакллантириш, шунингдек «Ўзгеобургунефтгаз» ва «Ўзнефтгаз» акциядорлик компанияларини ташкил этишни;

«Ўзгеобургунефтгаз» акциядорлик компаниясини шакллантириш, шунингдек «Ўзгеобургунефтгаз» ва «Ўзнефтгаз» акциядорлик компанияларини ташкил этишни;

лар кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг қузатилиши, назорат қилиниши ва ижро этилишини таъминлайдиган Бошқарувчилар кенгашининг ишчи органи хисобланади;

холдинг компанияси бошқаруви Раиси Бошқарувчилар кенгаши Раисининг ўринбосари хисобланади.

3. Қуйидагилар белгилансин:

«Ўзгеобургунефтгаз», «Ўзнефтгаз» ва «Ўзнефтгаз» акциядорлик компанияларини ташкил этишни;

«Ўзгеобургунефтгаз» акциядорлик компаниясини шакллантириш, шунингдек «Ўзгеобургунефтгаз» ва «Ўзнефтгаз» акциядорлик компанияларини ташкил этишни;

«Ўзгеобургунефтгаз» акциядорлик компаниясини шакллантириш, шунингдек «Ўзгеобургунефтгаз» ва «Ўзнефтгаз» акциядорлик компанияларини ташкил этишни;

«Ўзгеобургунефтгаз» акциядорлик компаниясини шакллантириш, шунингдек «Ўзгеобургунефтгаз» ва «Ўзнефтгаз» акциядорлик компанияларини ташкил этишни;

«Ўзгеобургунефтгаз» акциядорлик компаниясини шакллантириш, шунингдек «Ўзгеобургунефтгаз» ва «Ўзнефтгаз» акциядорлик компанияларини ташкил этишни;

«Ўзгеобургунефтгаз» АК ва «Ўзнефтгаз» АК акциядорлик компаниясини ташкил этишни;

«Ўзгеобургунефтгаз» АК ва «Ўзнефтгаз» АК акциядорлик компаниясини ташкил этишни;

«Ўзгеобургунефтгаз» АК ва «Ўзнефтгаз» АК акциядорлик компаниясини ташкил этишни;

«Ўзгеобургунефтгаз» АК ва «Ўзнефтгаз» АК акциядорлик компаниясини ташкил этишни;

«Ўзгеобургунефтгаз» АК ва «Ўзнефтгаз» АК акциядорлик компаниясини ташкил этишни;

«Ўзгеобургунефтгаз» АК ва «Ўзнефтгаз» АК акциядорлик компаниясини ташкил этишни;

«Ўзгеобургунефтгаз» АК ва «Ўзнефтгаз» АК акциядорлик компаниясини ташкил этишни;

«Ўзгеобургунефтгаз» АК ва «Ўзнефтгаз» АК акциядорлик компаниясини ташкил этишни;

Юқоричирчик тумани: ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ДИЛДА ШУКРОНА

1. МАҚСАД ВА МАСЪУЛИЯТ

Бундан 80 йил муқаддам азим Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғи — шимолий қисмидаги ҳудудга мустақил туман мақоми берилди. Азалдан асл деҳқонлар, доврўқли чорвадорлар юрти ҳисобланган бу заминнинг Юқоричирчик тумани деб аталиши шундан.

Унинг ҳудуди 44434 гектардан иборат бўлиб, мавжуд 47 та аҳоли пунктида 113 мингдан зиёд киши истиқомат қилади. Табиийки, туман меҳнатқашларининг асосий қисми қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида ишлайди.

Мамлакатимиз истиқлолининг ўтаётган ҳар лаҳзаси туман ҳаётида муносиб из қолдираётган, десак муболага бўлмайди. Аввало, кейинги йиллар туманнинг қишлоқ ҳўжалигидаги доврўқ қайта тикланиб, юқалиб бормоқда. Деҳқонлар асосий тармоқлар — пахта, галла, пилла етиштиришда ҳар йили зиммаларидаги мажбуриятни бекамму кўст адо этиб келмоқдалар. Чорвачилик ҳам аввалгидек кенг қўламда ривожланиб, ҳар бир хонадоннинг мўким даромад манбаига айланган. Яна бир устувор масала, қишлоқ ҳўжалигида санаяти олиб кириш, хусусий бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришда ҳам дадил одимлар ташланди. Натيجида, Юқоричирчик тадбиркорлар, ишбилармонлар ва хўнаронлар мақомига айланган, дейиш мумкин. Қувонарлик, туманда нафакат маҳаллий, балки хорижий ишбилармонларнинг ҳам эркин фаолияти учун бар-



ча шароитлар муҳайё қилинмоқда. Айни дамда бу ерда 16 та кўшама корхона фаолият юритаётгани, узок-яқин хорижий ишбилармонлар шерикчилик ва ҳамкорлик тақлифи билдириб, истиқболли лойиҳаларни ўртага ташлаб, бот-бот мурожаат қилаётганлари, маҳаллий ҳокимлик ва тадбиркорлар бунга мунтазам мойиллик ва рағбат кўрсатаётганлари фикримиз далилидир. Маҳаллий корхоналардан 6, қўшама корхоналардан 2 тасида экспортга маҳсулот жўнатилаётган.

Яна бир эътироф этишга лойик муҳим жиҳат — туман инфратузилмасининг мукамал шаклланиб, юқалиб бораётганлигидир. Бугунги кунга келиб,

туман аҳоли пунктларининг деярли барчаси табиий газ, 90 фоиз қисми эса тоза ичимлик суви билан таъминланган. Кўп минг сонли аҳолига хизмат кўрсатувчи 30 га яқин соғлиқни сақлаш муассасаси, 130 дан ортиқ машиий хизмат шайхобчалари, 115 та мадани-

ят ва спорт муассасалари фаолият юритмоқда. Янги қуриб битказилган 2 та касб-хўнар коллежи ва мавжуд 40 та мактабда 24 мингдан ортиқ ўқувчи-ёшлар таълим-тарбия олиб, хўнар эгалламоқдалар.

Тумани иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга қаратилган сай-ҳаракатлар, чора-тадбирлар ҳар жаҳада тула намойён бўлмоқда. Хусусан, иқтисодий модернизация қилиш ва эркинлаштириш, мулкчиликда хусусий сектор ўрнини мустаҳкамлаш, қўлай инвестиция муҳитини шакллантириш, шунингдек, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, турмуш фаровонлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш биринчи даража-

ли вазифага айланган. Бунинг натижаси ўларок, макроиктисодий кўрсаткичлар борасида салмоқли юқалишларга эришилаётган. Айтайлик, туманда ўтган йилликда иқтисодийнинг деярли барча соҳаларида ўсиш кузатилди. Бу санаотда 123 фоизга, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда 121 фоизга, капитал қўйилмаларда 135 фоизга етди. Жами чакана товар айланмаси 15 миллиард 407 миллион, пулли хизмат кўрсатишда қарий 2 миллиард сўмлик натижага эришилди. Шу вақт ичиде туманга 2 миллиард 879 миллион сўмлик инвестициялар киритилди.

Туманининг экспорт салоҳияти ҳам юқалиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Шу йилнинг ўзиде 2,7 миллион АҚШ долл-



СУРАТДА: Юқоричирчик педагогика коллежиде янги ўқув йилига муносиб ҳозирлик қўрилди.

ри миқдоридеги маҳсулот четга сотилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши аҳолини кўчли ижтимоий муҳофаза, турмуш фаровонлигини оширишда асосий омил бўлмоқда. Айнан шунинг жиҳобига бу йил туманда жами 726 та янги иш ўринлари очилди. Уларнинг ҳаммаси қишлоқ ҳўжалирида эканлиги аҳолининг бандлик даражасини оширишда айни мўддао бўлмоқда.

Мустақиллик барчамизнинг зиммамизга бирдек масъулият юқлайди, — дейди туман ҳокими Алишер Ғафоров. — Туманимиз меҳнатқашлари бунга ҳамиша англаб, ҳис қилиб яшайдилар. Ишонимизки, мустақилликни мустаҳкамлаш, уни асраб-авайлашда ҳар бир юқоричирчиқликнинг муносиб ҳиссаси, ўрни бўлади.

Дарҳақиқат, туманда бўлганлигида одамларда ана шу эзгу ва хайрли мақсадга интилиш кўчли эканини ҳис қилдик.

Таълим — 2006

ЎҚУВ ЙИЛИ АРАФАСИДА

Фарзанди баркамол хонадон асло дард кўрмайди. Ватан ҳам шундай. Ўз ўғил-қизларини миллатнинг бардаворм қадриятлари, азалий анъана ва удумлири, қолаверса, умуминсоният маданий неъматларидан баҳраманд қилиб, юрт меҳрини кўнгилларига сингдириб тарбиялаган мамлакат борки, ривожланишда, раванк топишда. Бундай Ватан ҳамиша ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиёт йўлида.

— Мана, ўн беш йилки, мустақил Ўзбекистонимиз ҳам ўз фарзандларини шу тамойиллар асосида камол топтирмоқда, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Юнусхон Шарипов. — Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган дастлабки кезлардаёқ ёшлар билан ишлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг «Халқ таълими тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган. Юртимизнинг беэвосита раҳбарликлари ос-

чиларнинг билим даражасини аниқлашнинг рейтинг усули босқичма-босқич мактаб фаолиятига кириштирилди. Давлат таълим стандартлари асосида яратилган ўқув дарсликлари таълим жараёнида тобора кенг қўлланила бошланди.

Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, бу ишни замонавий асосларга кўчириш таълим соҳасидаги ислохотларнинг муваффақиятини таъминлаб, ўқувчилар чуқур билим олишларида хизмат қилаётган. Фанлар бўйича ўтказилган олимпиадаларнинг якунлари ҳам бунга тасдиқламоқда: Чуночки, вилоятимиздан шу йилги республика олимпиадаларида 12 ўқувчи иштирок этди.

Бугун вилоятимиз шаҳар ва қишлоқлари мактабларида замонавий таълим

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати еттинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси 2006 йил 25 август кuni эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатиغا

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 24 август кuni соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойеида рўйхатга олинади.

ХИТОЙДА ЎЗБЕК ЛИБОСЛАРИ

Хитойда бўлиб ўтган «Буюк Ипак йўли — 2006» кўргазмасида Ўзбекистонлик дизайнерларнинг либослар коллекцияси биринчи ўринга лойик деб топилди.

Мазкур фестивалда иккидан жамоалар Хитой кўчаларида ўзларининг маънавий-маърифий анъаналарини замонавийлик билан уйғунлашган ҳўда намойиш этишди. Либослар намойишида мамлакатимиз дизайнерларининг 103 та моделини ўз ичига олган 11 та тўплами муҳ-

«Туркистон-пресс».

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 2006 йил 21 август.

шилмолий вилоятларидан келадиган катта транспорт оқимининг бир қисми Фарғона водийси вилотларига пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги кўчаси орқали ўтар эди. Эндиликда бундай орқача ташвиш ва муаммоларга чек қўйилди. Янги йўлнинг бунёд этилиши "Олмаота-Бишкек-Тошкент-Термиз", "Тошкент-Душанбе", "Тошкент-Уш" халқаро автомобиль йўллари ҳам бир-бири билан туташтирди.

Мамлакатимиз Президентининг катта ҳалқа йўлининг 61-километрида амалга оширилган ишлар билан танишар экан, йўлсоз ва қурувчиларнинг меҳнатига юксак баҳо берди. Йўловчилар, транспорт воситалари ва ҳайдовчилар учун яратилган бундай қулайликдан нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки кўшни давлатлардан келадиган меҳмонлар ва транспорт воситалари ҳам баҳраманд бўлишини таъкидлади.

Ислам Каримов Чилонзор тумани ҳудудидан ўтган кичик ҳалқа йўлининг Халқлар дўстлиги кўчаси билан қўшилишидан кўра, кўшма мақсадли ишга тушган улкан транспорт боғламаси билан танишди. Уни "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компаниясига қарашли ташкилотлар ишчи-хизматчилари бунёд этди.

"Йўл лойиҳа бюроси" шўба корхонаси ва "Тошкентбашлангити" лойиҳалаш институти лойиҳаси асосида барпо этилган мазкур иншоотнинг эни 30, узунлиги 374, баландлиги эса қарийб 7,5 метрни ташкил этади.

Илгари бу чорраҳада саккиз қатор йўналишда (Давоми 2-бетда).

транспорт ҳаракати кесилар, натижада тизимлик юзага келиб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг орқича вақт йўқотишига, ёқилги сарфи ошиб, атраф-муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўларди. Эндиликда маҳобатли иншоот усти ва ости орқали транспорт воситалари олти қатордан бемалол, тез ва хавфсиз ҳаракатлана олади.

рининг кўпайганига қарама-қарши пойтахтимиз қўчаларида машиналарнинг тўпланиб қолишига деярли дўшма бўлди. Бу ҳам узқоқни кўзлаб олиб бораётган ишларимиз самарасидир, деди давлатимиз раҳбари.

Истиқлол байрами арафасида пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Саққоқий кўчасида бир йўла учта янги ижтимоий

Хар бир оиланинг тиббий паспорти яратилиб, компьютер хотирасига киритилаётгани аҳоли ва шифокорларни орқича ташвишдан қутқаради. Тиббий паспортда хонадон аъзоларининг саломатлиги билан боғлиқ барча маълумотлар қайд этиб борилди.

— Бундай ёрғу ва шинам шифо масканларини бунёд этишдан мақсад соғ-

лари ва уларнинг олдини олиш борасида амалга ошириладиган ишларга алоҳида эътибор қаратди.

— Худудимизда бир минг 600 га яқин бола яшайди, — деди поликлиника бош врачси Мунира Шаҳобова. — Уларнинг саломатлиги доимий назоратда. Сўнгги йилларда болалар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар қайд

фаоллари билан суҳбатлашган Ислам Каримов маҳалла аҳолининг турмуши билан қизиқди.

Поликлиника ақинида очилган янги спорт мажмуи соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолини, айниқса, ёшларни оммавий спортга жалб этиш борасида муҳим аҳамият эга. Бу икки иншоот моҳиятан бир мақсад йўлида хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари "Турон" яққа кураши билан шуғулланаётган болаларнинг кўргазмалари чикшиларига юқори баҳо берди.

Мажмуада икки юздан зиёд бола футбол, волейбол, баскетбол, шахмат, шашка, қўл тўпи, енгил атлетика, бадий гимнастика, бокс каби ўндан зиёд спорт турти билан мунтазам шуғулланиши учун етарли шароит яратилган.

— Биз бугун 15 йил илгари экилган даракнинг ҳосилини кўряпмиз, — деди Президентимиз пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишув сўнггида. — Қайси ишга қўл урмайлик, аввало, халқимизнинг кадр-қимматини ошириши асосий мақсад қилиб қўймоқдамиз. Бугун биз эришган ютуқлар, биз амалга оширган бунёдкорлик ишлари халқимизнинг қудратидан нишонандир.

Ҳа, тинч-окуда ҳаёт кечираётган элга, осойишталик ва барқарорлик мавжуд бўлган юртга байрамлар, бунёдкорлик ярашади. Мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишлари, байрам кайфияти бунинг ёрқин мисолидир.

Норали ОЧИЛОВ, Воҳид ҲУКМОНОВ, Ўза махсус мухбирлари.

БОҒЛАР ЧАМАН, КЎЧАЛАР ОБОД

Мустақиллигимизнинг 15 йиллигини нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш ҳамда Ҳомийлар ва шифокорлар йили дастури бўйича, вилотда санитария-эпидемиологик аҳоли янада яхшилаш мақсадида кенг қўламда ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда. Улуғ байрам арафасидаги умумхалқ ҳашари бу жараёнга алоҳида мазмун бағишлади.



19-20 август кунлари вилотнинг барча шаҳар ва туманларида, муассаса ва ҳужалиқларида, дам олиш масканларию маҳаллаларда умумхалқ ҳашари кўтаринки руҳда ўтди. Унда вилот бўйича 1 миллион 125 мингдан зиёд киши фаол иштирок этди. Ҳашарчилар кучи билан 2 минг 422 гектар майдон ободонлаштирилди. 2 минг 832 километр узунликдаги сўғориш иншоотлари тозаланди. Шунингдек, маҳаллалар ва корхоналарнинг ҳудудлари 6 минг 594 тонна мавсимий ва санат чикиндилари тозаланди. Дов-дархлар парваришлари, 489 мингдан зиёди оқланди.

Вилотдаги барча маҳаллалар аҳолиси фаол иштирок этган умумхалқ ҳашарида турароқ мавзелири ҳамда маҳаллаларда ободонлаштириш

ишлари олиб борилди. Дам олиш масканлари, бинолар майдонлари тозаланиб, ораста ҳолатга келтирилди. 684 та зиёратгоҳ ва қабристонлар ободонлаштирилди. Санат корхоналари ва таш-

килотлардан жалб этилган 1128 та техника узлуксиз ишлаб турди.

Халқда қадимдан «Ҳашар — элга ярашар» деган нақл бор. Унга амал қилган фидойилар томонидан қўп бонли оилалар, ногирон ҳамда ёлғиз киши фаол яшаб турган 3161 та уй-жой таъмирланди.

Вилот бўйича кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиниб, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 32,9 миллион сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз тобора яқинлашмоқда. Унга тайёргарлик кўриш, ободонлаштириш ишларини амалга ошириш қизғин давом этмоқда.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

БУНЁДКОРЛИК САОДАТИ

— Илгарилари иншоот, ҳатто оддий бир бино қурилишида ҳам одамларга, атраф-муҳитга таъсири инобатга олинмас эди, — деди Юртбошимиз. — Эндиликда мамлакатимизда замонавий техника ва технологиялар ёрдамида йўл ва кўприклар, транспорт боғлавлари ва йўл ўтказгичлар қуриш тажрибаси тўла эгалланди. Транспорт қатновини бир зум ҳам тўхтатмай, икки ярим ойда мана шундай улкан иншоотни бунёд этиш ҳарқимнинг ҳам қўлидан келармайдими.

Сўнгги ўн йил давомида пойтахтимизда транспорт воситалари сони уч баравар қўлади. Авваломбор, бу ҳам одамларимизнинг турмуш даражаси юксалаётгани, эл-юртимиз йилдан-йилга фаровонлашадиганининг исботидир. Зеро, кенг қўламда ислохотлардан қўзланган мақсад ҳам аҳолиимизнинг турмуш даражасини ошириш, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини тўла таъминладир. Транспорт воситала-

объект — 8-оилавий поликлиника, замонавий спорт мажмуи, "Журноний" маҳалла гузарни ишга туширилди.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури асосида бунёд этилган оилавий поликлиника 32 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Бу ерда 50 нафар малакали тиббиёт ходими меҳнат қилади.

Дастлабки тиббий ёрдамга мўлжалланган мазкур шифо маскани болалар, катта ёшдагилар, хотин-қизларга алоҳида тиббий хизмат кўрсатадиган хоналар, шунингдек, ихтисосликлар бўйича шифокорлар кабинетларига эга. Улар энг замонавий компьютер техникаси ва махсус асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Стоматология хонасига ўрнатилган замонавий ускуналар тишнинг оғриқсиз даволаш имконини беради. Янги рентген аппарати эса плёнка ва реактивларсиз тасвирини тўридан-тўри компьютерга кўчиради.

Президентимиз шифо масканида яратилган шарт-шароит билан танишди, шифокорлар билан суҳбатлашди. Соҳада амалга ошириладиган ислохотларнинг амалий натижалари, шифокорларнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқди. Айниқса, болалар касаллик-

лом авлодни камол топтириш борасидаги эзгу мақсадларимизни тўла рўйбга чиқаришдан иборат, — деди Юртбошимиз. — Аммо уларни қуришдан олдин, тегишли ҳудудда қанча аҳоли яшайши, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олиш лозим. Қанча кекса, қанча хотин-қиз ва ёш бола бор, уларнинг қанчаси қандай тиббий кўмакка муҳтож — ҳаммаси пухта ўрганилиши шарт. Оилавий поликлиника фаолиятининг йўлга қўйилиши, жиҳозланиши, муайян ихтисосликлар бўйича шифокорларнинг ишга жалб этилиши жараёни ана шундай аниқ маълумотларга таянган ҳолда ҳал қилиниши лозим.

Президентимиз шифо масканида яратилган шарт-шароит билан танишди, шифокорлар билан суҳбатлашди. Соҳада амалга ошириладиган ислохотларнинг амалий натижалари, шифокорларнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқди. Айниқса, болалар касаллик-

этилгани йўқ. Шифокорларимиз бевосита оилаларда иш юритаётгани боис ўтган икки йил мобайнида юқумли касалликлар деярли учрамади.

Президентимиз мазкур замонавий тизим — оилавий поликлиниканинг аҳамияти ҳақида сўз юрттар экан, оила шифокори оиладаги ижтимоий муҳитдан яхши хабардор бўлиши лозимлигини, ҳасталикни даволочи эмас, аввало касалликнинг олдини олувчи бўлиши кераклигини таъкидлади.


Давлатимиз раҳбари янгидан барпо этилган маҳалла гузарини ҳам бориб кўрди. "Маънавият ва маърифат", хотин-қизлар, маҳалла посбони ва участка нозир хоналари, мажлислар залига эга мазкур бино барча зарур анжомлар билан жиҳозланган. Узини-ўзи бошқаришининг мукамал тизими сифатида шакллантирилган маҳалла фаолияти бугун ижтимоий турмушимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳалла

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 15 йиллиги

2. ҲАҲОН БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Юқоричирчик аграр туман бўлишига қарамай, бу ерда санатнинг турли ишлаб чиқариш йўналишлари ҳам ривожланиб улгурган. Айниқса, хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқларининг изчил ривожланиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Бундан ташқари, туманда қатор қўшма корхоналарнинг барқарор фаолият юритаётгани ҳам тармоқнинг тобора кенг қўлаб кўчаётганини далолатладир.

"Донг-Сан" масъулияти чекланган жамияти туман иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшиб келадиган корхоналардан бири. У 2004 йилда ташкил этилган бўлиб, бу ердаги асосий маҳсулот тури трикотаж моллари ҳисобланади. Корхонада айни кунда 250 нафар маҳаллий аҳоли меҳнат қилмоқда. Уларнинг самарали фаолияти натижасида 2006 йилнинг 6 ойи мобайнида 58 миллион сўмлик тайёр маҳсулот



тан анча арзон. Бу эса қўшимча даромади бўлмаган оилалар учун жуда қўлайдир. Туманда юқори унум билан ишлаётган корхоналар сони кўп. Улардан яна бири «Керамик ЦН-ЖС» хусусий корхонасидир. У йилига 6-7 миллион дона гишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, маҳсулот қурилиш ташкилотларига шартнома асосида сотилади. — Бизнинг асосий харидорларимиз «Турон» акциядорлик жа-

Юқоричирчик тумани: ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ДИЛДА ШУҚРОНА



СУРАТЛАРДА: «Донг-Сан» МЧЖ тикучи Маҳмуд Экубова шогирди Мадина Эрматовга маҳорат сирларини қўлидан кечирмоқдалар.

ларнинг жойларда савдо дўконлари ташкил этилмоқда. Жумладан, «Солада», «Техноинвест» корхоналарининг савдо дўконлари яқин кўчаларда ўз фаолиятини бошлади. Туманда санат энди ривожланмоқда. Бу — мустақиллик берган имкониятлар тўғрисида. Бундаги асосий улуш «Тошвил-ДЭУ» корхонаси, туман пахта тозалаш заводи, «Донг-Сан» масъулияти чекланган жамияти, «Шум Сонг интер» қўшма корхоналарига тўғри келади. Аҳолига қўлайлик яратиш ва уларнинг эҳтиёжларини қўриқиб олиш мақсадида туманда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхона-

3. ДЕҲҚОН МЕҲНАТИ ҚАДР ТОПДИ

Сирасини айтганда, деҳқони бой юртнинг эли ҳам бой бўлади. Ҳаётимизнинг фаровонлиги, тўкин-сочинлиги, ризқ-насибамизнинг бутунлиги қўп жўлдан унинг меҳнати ва матонатига боғлиқ. Кейинги йилларда мамлакатимиз аграр соҳасидаги ислохотлар тобора жадаллашиб, аниқ мақсад ва режага, манфаатли истиқболга қаратилган, пировардида, деҳқон меҳнатининг қадри топди, эмин-эркин фаолияти учун мустақам асосларини яратилаётгани айни мuddао бўлаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Хусусан, Юқоричирчик туманида ҳам бу жараёнлар қўла-ми ва қамрови кенгайиб, тармоқда иш юритишининг энг самарали тизими шаклланишини куйидаги маълумот ҳамда рақамлар мисолида аққол кўриш мумкин. Бугунги кунга келиб, туман деҳқонлари йилига 58 минг тоннадан ортқ галла, қарийб 18 минг тонна пахта етиштириш салоҳиятига эга бўлдилар. Галла ҳосилдорлиги ўртача 48-50 центнерга етмоқда. Эътиборли жиҳати, пахтакорлар ҳам хом ашё етиштиришда йилма-йил сезиларли ютуқларга эришмоқдалар. Мисол учун тармоқда ҳосилдорлик 2003 йил ўртача 20,5, 2004 йил 24,8 центнер бўлса, ниҳоят, ўтган йили 27,1 центнерга олиб чиқилди. Бу йил ҳам деҳқонлар ўтган йиллардаги анъаналарига содиқ қолиб, юксалиш суръатларини барқарор ошириб беришни мақсад қилишган.

Ҳеч шубҳасиз, туман аграр соҳасининг мустақам таянчи — фермерлик ҳаракати. Айни вақтда бу ерда фаолият юритаётган фермер ҳўжаликлари 872 тага етди. Улар тасарруфида 25000 гектардан ошққ экин майдони бор. Бу туман қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 78 фоизи демакдир. Фермерлар улущи пахтачиликда 65, галлачиликда 79 фоизни ташкил этаёттир. Бугун меҳнатга лаёқатли аҳолининг 6300 нафаридан кўпроги фермер ҳўжаликларида шартнома асосида доимий иш билан банд. Йил бошида мамлакатимиз Президентининг 215-ҳамда 255-сонли қарорларига мувофиқ яна 83 та мустақил фермер ҳўжаликлари фаолияти йўлга қўйилди. Юртимизда фермер-




гини ҳис этдик ва ҳақиқий мулкдорга айландик. Бу — оддий қишлоқ кишининг бугунги иқроори. Бу — ўтаётган йиллар, янгилашиб жараёнлари инсонлар онгу шуурида беиз кетмаётганидан далолат. Энг муҳими, бу — Истиқлол яратиб бераётган катта имконият. Фермернинг мустақил за-

на бугдой фойдага қолди. — Биз ўз ҳўжалигимизда, ўз ерларимизда эркин меҳнат қилиб келаяпмиз, — дейди фермернинг ўғли Азизбек. — Қилган меҳнатимизнинг самарасини, ҳузурини ҳам аввало, ўзимиз кўраёмиз. Бугун ҳўжалигимизда 12 киши иш билан таъминланган. Ишлаган кам бўлмаётганини, шу тариқа эл-юртга ҳам наф келтириётганини кўриб, билиб турибмиз. Ҳўжалик ўз имкониятларини ошириш мақсадида техник неғизни мустақамлаёттир. Бу йил лизинг йўли билан яна битта ТТ3-80 русумли трактор олинди. Барча техникалар ва куч, имкониятлар айни вақтдаги масъулияти меҳнат — гўза парваришига сафарбар этилган. Яқинлашиб келадиган мавсумда улар янада салмоқли натижаларга эришишини қўлашмоқда.

Туманда соҳанинг яна бир тармоғи — чорвачилик ҳам яхши ривожланган. Бу йўналишда иш юритаётган фермер ҳўжаликлари 95 тага етди. Уларда парваришланаётган қорамоллар туғғи 6340 тадан ошди. Мамлакатимизда тармоқ ривожига қаратилган чора-тадбирлар самараси ҳам буй кўрсатмоқда. Чорвачилик йўналишидаги шахсий ёрдамчи ва фермер ҳўжаликларида зотли қорамолларни қўлайтиришга катта эътибор қаратилиб, бунинг учун барча имкониятлар ишга солинаёттир. Хусусан, бу йил бошидан бунён 42 фуқарога зотли қорамоллар сотиб олиш учун қарийб 30 миллион сўм кредит ажратилди. Соҳани ислоҳ қилиш жараёнида йилма-йил, босқичма-босқич жадаллашиб, изчиллик касб этиб бормоқда. Энг муҳими, бу эртанги фаровонлик, тўкин-сочинлигининг муҳим асоси эканлигини бугун барча тушуниб етди.

миндор сифатида иш бошлашда укув ва тажриба, ўз навбатида, ҳаракатнинг ҳуқуқий асослари ва янгиликлардан бохабарлик қўл келди. Дастлабки йилнинг ўзидаёқ пахта ҳосилдорлиги 37 центнерга етди. Тармоқдан 23 миллион сўмдан ортқ даромад олинди. Бу албатта, чакки натижа эмасди. Фалла мавсумини ҳам ёрғуз билан яқунлаган фермер ҳўжалиги деҳқонлари эл-юрт хирмониға қарийб 100 тонна сара дон тўқдилар. Давлат эҳтиёжларидан ортан 27 тон-



СУРАТЛАРДА: Фермер ҳўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги раиси Қамбарали Маҳмадалиев (чапда) фермер Баҳодир Мирзохидов даласида ўзаро маслаҳат чоғида; «Ҳақиқат био» унитар корхонаси деҳқонлар мушқулларини осон қилмоқда. Лаборантлар Шоира Дарвешова (чапда) ва Мухтарам Ҳамдамова кундалик иш устида.

Ўқув йили арафасида

воситалари ва усуллари нукта эгаллаб, ўқувчиларга чуқур билим бераётган ўқитувчилар кўп. Уртачирчиқ туманидан Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Саида Турсунова, Зағитота туманидан Фахриддин Азизов, Янгийўл туманидан Гулчехра Ашурова, Куйичирчиқ туманидан Кўчкор Бўронбоев, Охангарон туманидан Равшаной Давлатова, Бўка туманидан Валентина Цой, Покентдан Дилбар Фозилова, Бекобод шаҳридан Дилфуза Хакимова, Олмалик шаҳридан Соҳида Мехмонкулова сингари педагогларнинг бой амалий тажрибалари вилоят мактабларига кенг ёйилаётди.

Илгор педагогик жамоалар дарс жараёнида компьютерлардан, таълимнинг бошқа замонавий техник воситаларидан тобора кенг фойдаланаяптилар. Ноанъанавий дарслар ўқувчиларнинг билимини чуқурлаштиришга хизмат қилаяпти.

«Учинчи минг йилликнинг боласи» дастури босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Мактабга-

ча ва мактабдан ташқари таълим-тарбиянинг фарзандлар камолотидаги роли ортиб бораётди. Шуни айтиш кифояки, ҳар йили 44-45 минг кичкинтой турли шаклдаги саводхонлик машғулотларидан ўтиб, биринчи синфга чиқмоқда.

Шундай соҳалар борки, улар таълим борасидаги ислохотларнинг муваффақиятини таъминлашда асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Бу ўринда суз мактабларнинг техник ҳолати, таълимнинг замонавий воситалари билан таъминланганлиги хусусида. Маҳаллий ҳокимият идоралари, кенг жамоатчилик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури» амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини бажара бориб, янги мактаблар қурилиши, эски биноларни таъмирлаш, таълим муассасаларини янги дарсликлар ва замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш йўлида изчил иш олиб бораётди. Чунки, ўтган ўқув йили бошланиш арафасида 5 та умумтаълим мактаби учун бинолар янгидан

қурилиб, 39 та мактаб капитал реконструкция, 93 та мактаб капитал ва 18 та мактаб жорий таъмирдан чиқарилган эди. Бу ишлар учун 13 миллиард 309 миллион 930 минг сўм маблағ сарфланганди.

Ишлар бу йил ҳам кенг кўламда давом эттирилмоқда. Умуман, 5 та янги мактаб биноси қурилди, 56 та мактабда капитал реконструкция, 50 та мактабда капитал ва 15 та мактабда жорий таъмирлаш режалари муваффақиятли амалга оширилди. Шу мақсадларда 26 миллиард 92 миллион сўм ўзлаштирилди. Кўриб турибсизки, ўзгариш низоҳатда катта.

Мактаблар 5 миллиард 581 миллион 979 минг сўмлик техника воситалари ва жиҳозлар олади. Бу ўқув йилидан болалар тўла компьютерлаштирилган ва техника воситалари билан мукамал жиҳозланган юзлаб синфларда ўқий бошлайдилар.

Биринчи кўнгирак жанрнинг дилларни ҳаприқтириб, ҳаммамизга қувонч бағишлайдиган кунларга яқин келди. Уни ўқитувчилар, ота-оналар орзиқиб, алоҳида қувонч билан кутишапти.

Жўрабек МУРОДОВ.

ЗУРРИЁДЛАРИМИЗ КАМОЛИ — УМУМИЙ МАЗМУНИ

Янги авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш жамиятимиз олдида турган энг устувор вазифалардан биридир.

Ҳозир туманимизда 44 та умумий ўрта таълим ва битта бошланғич таълим мактаби мавжуд бўлиб, 33 таси замонавий, 12 таси мослаштирилган биноларда жойлашган. 33 та илм масканимизда таълим давлат тилида, 5 тасида тожик, 5 тасида қозоқ ҳамда биттасида киргиз тилида олиб борилади. Шунингдек, 2 та мактабдан ташқари ва 18 та мактабга таълим муассасаси ишлаб турибди. Мактабларда 31 минг 792 ўқувчи 2309 нафар ўқитувчи таълим-тарбия беришапти. Уларнинг 69,7 фоизи олий маълумотли.

Халқ таълими бўлими томонидан «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий миллий дастури» чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгилаб берилган вазифаларни бажариш бўйича чора-тадбирлар режалари тузилиб, уларнинг ижроси таъминлаб боришмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижаси ўларок, ўтган ўқув йилида 9 нафар ўқувчиси фан олимпиадаларининг учинчи босқичида 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллашди. Олимпиаданинг вилоят босқичи якунига қўра, туманимиз умумий кўрсаткичлар бўйича иккинчи ўринни

айланганлиги қувонарлидир.

Айниқса, 9-умумтаълим мактаби француз тили ўқитувчиси Нафиса Дўсмаатованинг эришган муваффақиятини алоҳида таъкидламоқ лозим. У Франциянинг юртимиздаги элчихонаси ҳамда В. Гюго номидаги Франция тил маркази билан ўқув йили давомида ҳамкорликда ишлаб,

ми бўлими томонидан Хомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан қатор тадбирлар амалга оширилди. Чунки, кўп болани ва кам таъминланган оилаларга, пенсионер ва ногиронларга 150 минг сўмлик, 23 нафар педагог ходимга 237 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 11 нафар ходимга сийҳатгоҳда дам олишлари учун 1 миллион 366 минг сўмлик йўлланмалар берилди. Бундан ташқари 1-синфга келувчи 2950 нафар ўқувчини ўқув анжумлари жамламаси ҳамда 4647 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларини бепул киши кийимлар билан таъминлаш мақсадида 118 миллион сўмлик маблағ ажратилди.

Сўзимни мухтасар қилиб айтганда, барчамизнинг вазифамиз битта. У ҳам бўлса маърифатли, маънавиятли инсонни тарбиялаш. Юртбошимиз таъкидлаганидек, фақатгина маърифатли одамгина инсон қадрини, миллий қадриятларини, ўзligини англаш, эркин ва овоз жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин. Шунинг учун таълим муассасаларининг барча жамоалари бошланғич ўқув йилида ютуқларини янада муштахкамлаб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрадилар.

Мухсиндин ХАСАНОВ,
туман халқ таълими бўлими mudiri.

«Болалар — келажакимиз!» Бу шунчаки, шior бўлиб қолмай, балки барча ота-оналар қалбидagi яхши ният, эзгу умид ифодасидир. Зурриёд камоли — ҳар бир инсон умрининг мазмуни. Чунки, биз одатда, ўзимиз етишолмаган орзу-ниятларнинг келажакда фарзандларимизга эш бўлишига умид боғлаймиз. Мустиқиллик шарофати билан қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мазмун-моҳияти ҳам шу мақсадларга қаратилган.

Хўш, Паркент туманида дастур доирасида қандай саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда? Эришилган натижалар салмоқлими? Биз махсус саҳифада ушбу саволларга жавоб излашга ҳаракат қилдик.

Умумий ўрта таълим муассасаларида мактабдан ва синфдан ташқари таълим-тарбия ишларини ривожлантириш долзарб масалалардан биридир.

ҲАР ОНИ МАРОҚЛИ

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари таълим муассасалари, маҳалла, ота-оналар, давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда болалар ва ёшлар тузилмаларининг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш орқалигина кутилган натижаларга эришиш мумкин.

Ҳозир туманда иккита мактабдан ташқари таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Улардан бири туман ўқувчилар ижодий марказидир. Бугун 16 йўналишдаги тўғаракларда 600 га яқин ўғил-қизларимиз бўш вақтларини мазмунли ўтказишмоқда. Рақс, миллий қолғу асбоблари ясаш, бисер тикши, пазандлик, тикувчилик, сураткашиқ, моҳир кўллар, воқал ҳамда мусаввирлик тўғаракларининг ишлари намунали. Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтадиган турли кўрик-танловларнинг ҳеч бири ижодий марказ ходимлари ва ўқувчиларисиз ўтмайди. Шунингдек, ижодкор ўғил-қизларимизнинг насл ва назм соҳасидаги ижод намуналари туман ҳамда «Тонг юлдузи» газетаси саҳифаларида чоп этилиб бораётганлиги ҳам диққатга сазовор.

Марказ болаларга хунар ўргатиб, билим бериш билангина чекланиб қолмайди. Уларнинг ёзи таъбия кунлари мароқли ўтишига ҳам ўз хиссасини қўшаётди.

Зилола ҚОРАХЎЖАЕВА,
туман ўқувчилар ижодий маркази услубчиси.

Жамиятимизда юз бераётган ўзгариш ва янгиланишлар жараёни таълим соҳаси ходимлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифани юклайди. Ҳозирги ёшларга таълим-тарбия бериш педагогиканинг инновацион услубларидан усталик билан ўз ўрнида фойдаланишни тақозо этади.



ЯНГИ МАКТАБДА ЯНГИЧА ТАЛАБ

2-умумий таълим мактабининг асосий биноси 1967 йилда лойиҳа асосида қурилган бўлиб, 180 ўринга мўлжалланган эди.

Унга ветеринария биноси қўшиб берилиши ҳисобига 2003 йилга келиб, 1100 нафар ўқувчи уч сменада ўқий бошлади. Ўтган йили эса яна иккита синфхона ҳамда мактабга кириверишда соябон барпо этилди. Бу ишлар учун «Бойқозон» ширкат хўжалиги хомийлик ёрдамини кўрсатди.

Лекин хоналарнинг етишмаслиги, мавжудлариди тўлиқ ўқитишнинг имкони яратилмаганлиги ҳамда спорт залининг йўқлиги қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Шулар ҳисобига олиниб, умумий миллий дастурга қўра мактабимиз капитал реконструкция лойиҳасига қиритилди. Ўтказилган тендерда «Хисортоғ» масъулиятли чекланган жамияти ютиб чиқди. Давлат томонидан капитал реконструкция учун 121 миллион 600 минг сўм ажратилди.

Неъмат ЭШОНОВ,
мактаб директори.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ КАМАРБАСТАЛИК

Бу ўринда ўқувчи ёшларда педагогик, психологик ва гигиеник таъминотларни ҳисобга олган ҳолда чуқур билим ҳамда яхши фазилатларни шакллантириш мўҳим омил ҳисобланади.

Биз авваллари шахсни тарбиялашдаги асосий вазифа ўқув фани доирасида ўқувчини тегишли билим, қўника ва малакалар билан қуролантириш, уларда таҳлил, умумлаштириш ва қийслаш каби сифатларни шакллантиришда деб билардик. Бироқ, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида бу масалага ёндашадиган бўлсак, ушбу дастур ривожланган жамиятда ҳар бир шахсни ўзининг муносиб ўрнига эга мутахассис сифатида тарбиялаш вазифасини қўймоқда.

Бу жараёнда эса қобилият ўз-ўзидан юзага чиқмаслигини, унинг намойён бўлиши учун маълум йўналишга эга узлуксиз меҳнат талаб этилишини тушуниш зарур. Ўқитувчи ўқувчи иқтидорини вақтида аниқлаб, у билан махсус шуғулланиши, қобилиятини ривожлантириб бориши керак.

5-иختисослашган умумтаълим мактабимизнинг асосий вазифа ва мақсадларидан бири ўқувчиларни келажакда туманимиз мактаблари учун зарур бўлган мутахассислар бўлишга тайёрлашдир. Мактабни битираётган ўқувчиларимизнинг 65-70 фоизи педагогик йўналишдаги олий ўқув юрларида ўқимокдалар. Ҳозир ўнлаб битирувчиларимиз туманимиз мактаб-

ларида ўқувчиларга сабоқ беришапти. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини тақдирлаш ва рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорини асосида иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш, улардаги ноёб фазилатларни янада ривожлантириш масалаларига катта аҳамият берилмоқда. Ҳар йили қатор ўқувчиларимиз туман, вилоят, республика ва халқаро фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда.

Туман фан олимпиадаси жамоасининг 40-45 фоизи бизнинг ўқувчиларимиз ташкил қилади. Ўқувчимиз Рустам Раҳимов рус тили бўйича халқаро фан олимпиадаси ғолиби бўлиб, ҳозир Санкт-Петербург Университетига имтиёзли равишда кириб, таҳсил олмақда. Юқори синф ўқувчиларимиздан Шавкат Ҳамиджонов, Мурод Холтоев ҳамда Лобар Хайтматова математика фани бўйича халқаро олимпиадаларда муваффақиятли катнашиб, нуфузли ўринларни эгаллашди. Информатика ва компьютер технологияси соҳаси бўйича мактабимиз жамоаси халқаро олимпиадаларда иштирок этиб, туманимиз, вилоятимиз, республикамиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Косимжон БОҚИЖОНОВ, мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси.


кўллаб ютуқларга эришди. Унинг ушбу ҳаракатлари муносиб баҳоламоқ, шу йилнинг 17 июлидан 17 августгача Франция давлатига тажриба алмашиш учун тақлиф этилган. Ҳамкасбимизнинг бу муваффақияти нафақат у фаолият юритаётган мактаб жамоаси учун, балки туман, қолаверса, вилоятимиз учун қувонарли ҳодиса бўлди, десам янглишмайман.

Бундан ташқари, Қумушқон қишлоғида Ўзбекистон — Корея қўшама ўқув марказининг агроносоти, компьютер, инглиз тилини ўргатиш ўқув клуби очилган бўлиб, самарали фаолият юритмоқда. Шу йилнинг ўзиде 80 нафар йигит-қиз ушбу клубнинг ўқув-машғулотида катнашиб, касб маҳоратларини оширишди. Барча соҳада бўлгани каби, туман халқ таъли-

кўллаб ютуқларга эришди. Унинг ушбу ҳаракатлари муносиб баҳоламоқ, шу йилнинг 17 июлидан 17 августгача Франция давлатига тажриба алмашиш учун тақлиф этилган. Ҳамкасбимизнинг бу муваффақияти нафақат у фаолият юритаётган мактаб жамоаси учун, балки туман, қолаверса, вилоятимиз учун қувонарли ҳодиса бўлди, десам янглишмайман.

Бундан ташқари, Қумушқон қишлоғида Ўзбекистон — Корея қўшама ўқув марказининг агроносоти, компьютер, инглиз тилини ўргатиш ўқув клуби очилган бўлиб, самарали фаолият юритмоқда. Шу йилнинг ўзиде 80 нафар йигит-қиз ушбу клубнинг ўқув-машғулотида катнашиб, касб маҳоратларини оширишди. Барча соҳада бўлгани каби, туман халқ таъли-

КЕЛАЖАК ШУ ЕРДАН БОШЛанаДИ



Халқ таълими бўлимига қарашли «Марварид» мактабга таълим муассасаси 1987 йилдан бундан фаолият юритиб келмоқда. 110 ўринга мўлжалланган ушбу муассаса замонавий услубда бунёд этилганлиги билан ажралиб туради. Ҳозирги кунда бу ерда 90 нафар кичкинтой тарбияланаётган бўлиб, улар билан 14 нафар тарбиялаш шугулланаётди.

Фарзандларимизни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Шулардан бири, муассасамиз жамоаси Хомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб ўтказилган «Согломжон — полвонжон» спорт мусобақасининг туман босқичида ғолиб чиқиш, вилоятга йўлланмани қўлга киритди. Кичкинтойларимизнинг му-

собақаларда фаол иштирок этишида спорт бўйича мутахассис Нозима Раҳмонхўжаеванинг хизматлари беқийс.

Муассасамизда спорт, мусика заллари, тиббиёт хонаси, фитобар, ҳар бир гуруҳ учун ўйин майдончалари ишлаб турибди. Ташкил этилган турли тўғарак ва машғулотларда болажонлар ўзларининг илк иқтидорини намойиш этишмоқда.

Хулқар АБДУЖАЛИЛОВА, муассаса mudirasi.

«Учинчи минг йилликнинг боласи», «Болангиз мактабга тайёрми?», «Қадам-бақадам» дастури асосида иш олиб боришмоқда. «Биз нимани билишимиз керак?» ҳамда «Биз нималарга қодиримиз?» шiori остида 8 та марказ ташкил этилган. Бундан ташқари, ҳар бир гуруҳда турли ўйин, экология, табиат, миллий қадриятларимизни ўргатувчи бурчаклар ҳозирланган. Улар ёрдамида тарбияланаётган болалар келгусида жамиятнинг фаол аъзолари бўлиб етишиши шубҳасиз.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ШУНГА МУНОСИБ

Қўрам мактаб биноси, кенг ва ёруғ синф хоналари, замонавий жиҳозлар... Булар ёш авлодни билимдон, ақлли ҳамда қомил қилиб тарбиялашда мўҳим омилдир. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда, Паркент туманида кўламли ишлар амалга оширилмоқда.



ган. Ҳозирда бу ерларда катта ҳажмдаги қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Фақат бу билан чекланиб қолмай, ўқув муассасаларига 217 миллион сўмлик мебель жиҳозлари, замонавий лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер тўпламлари келтирилди.

Шунингдек, келгуси йиллар учун ҳам талай режалар мўлжалланган. 2007-2009 йиллар мобайнида жами 25 та мактаб биноси реконструкция қилиниши ва таъмирланиши кўзда тутилган.

Рустам ЕҚУБОВЕВ, қурилиш бўйича бош муҳандис.

УСТОЗЛАР ИЗИДАН БОРИШ БАХТИ

Дунёда касблар кўп. Улар орасида муаллимлик ўзининг шарафлиги, масъулиятлиги, қадрлиги билан ажралиб туради. Муаллим деганда, илк маротаба қўлимиздан етаклаб синф хонасига олиб кирган, жажжи бармоқларимизга қалам тутқазиб, харф ўргатган инсон кўз олдимизга келади.

Бу касбининг машаққатини сезиб, устозларимга ҳавас қилиб, вилоят давлат педагогика институтининг тарих факультетига ўқишга кирдим.

Кейинчалик ўқишни сиртдан давом эттириб, тумандаги 1-умумий ўрта таълим мактабиде устозларим билан биргаликда ишлаб бошладим. Мен Норбу Муродовани ўзим-

нинг энг қадри ва хурматли, юксак билимга эга бўлган устозим деб биларман. Мактабга ишга келганимда менга биринчилардан бўлиб ёрдам қилини чўзган устозларим Д. Минаварова, Ж. Турсунов, О. Юнусова, Э. Исмаиловдан миннатдорман. Улар менга таълим-тарбия жараёнидаги янги педагогик технологиялар-

ни, уларни амалга ошириш усулларини ўргатишди. Ҳозирги кунда улар етакчилигида таълим самарадорлигини кўтариш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги маҳоратимни ошириб бораёлман.

2004 йили туманда ўтказилган «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловида иштирок этиб, «Ўз фанининг билимдони» номинацияси бўйича

1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим. Айниқса, шогирдларимдан Садоқат Дадаеванинг «Келажак овози» Республика мега танловида иштирок этиб, фахрли 1-ўринни эгаллаганлиги мени тўлқинлантириб юборди. Унинг ютугини меҳнатимнинг муносиб баҳоси сифатида қабул қилдим.

Аброр ТўРАБОВЕВ, 1-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси.

Материалларни Паркент тумани халқ таълими бўлими ДТС мониторинги бўлими бошлиғи Абдузўхур ҚОРАБОВЕВ ҳамда «Тошкент ҳақиқати» муҳбири Хуррида НАЗАРОВА тайёрлашди.

Мустақилликнинг

Билан

Юқоричирчиқ тумани:

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ДИЛДА ШУКРОНА

4. ҲАР СОҲАДА ЮТУҚЛАР БИСЁР

Мамлакатимизда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, айниқса, Мустақиллик йилларида кенг қулоч ёйди, бу жабҳадаги ислохотлар чуқурлашди. Юқоричирчиқ тумани ҳам бу жараёнлардан четда қолмади. Соғлиқни сақлаш, маориф, маданият, спорт соҳаларидаги юксалишлар кўзга яққол ташланмоқда.

Жумладан, «2004-2009 йилларда мактаб таълими ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»га мувофиқ 15 та умумтаълим мактаби реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, таълим-тарбия жараёнлари такомиллаштирилди.

— Ёшларни касб-хунарга йўналтириш мақсадида 2003

йилда 750 ўринга мўлжалланган қурилиш-иктисод касб-хунар коллежи ҳамда ўтган йили Жумабозор қишлоғида 600 ўринли педагогика коллежи фойдаланишга топширилди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири И. Олошбоев. — Айни пайтда таълим муассасаларида 1481 нафар малакали ўқитувчиларимиз самарали фаолият олиб боришмоқда.



СУРАТЛАРДА: марказий шифохона бўлим мудири Шопур Шосатов ҳамширалар Нодира Рўзимова ва Нозима Хайруллаева билан кўрик натижаларини қайд этмоқдалар; 27-умумтаълим мактаби янги ўқув йилигача барча қўлайликларга эга, замонавий муассасага айланди.



Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Бугун туманда 30 та даволаш-профилактика муассасалари аҳоли саломатлигини тиклаш, уларнинг жисмонан соғлом бўлишлари йўлида кечаю кундуз фаолият кўрсатмоқда. Осий Тарақ

қиёт Банкнинг «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида мавжуд қишлоқ врачлик пунктлари тўлиқ капитал таъмирланмоқда.

Мустақиллик йилларида Аҳмад Ясавий маҳалласидаги ишламай қолган шифохона қайта реконструкция қилиниб, қариялар учун мўлжалланган «Нуроний» шифохонасига айлантирилди...

Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом, бакуват қилиб тарбиялаш мақсадида туман марказида спортнинг 12 тури бўйича шуғулланиш имконияти мавжуд бўлган катта спорт мажмуаси барпо этилди. Бундан ташқари, эски спорт майдони қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Мавжуд 47 та маҳалла

худудида болалар спорт майдончалари ташкил этилди. Ушбу мажмуалар ҳозир ўсмир ёшлар билан гавжум.

Шунингдек, туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб бориш аҳси аънамага айланган. Бундай тадбирларда «Муножот» фольклор-этнографик халқ дастаси, «Дорбозчилар» жамоаси, «Наврўз» қозоқ халқ драма театри, «Дилшод» жамоалари фаол иштирок этади...

Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, бугун туманининг ҳар бир жабҳасида янгиликка, эзгуликка интилиш, изланиш кўзга яққол ташланиб турибди. Шу сабабли ҳар соҳада ютуқлар бисёр, тарққитнинг нури манзиллари буй кўрсатмоқда.

Раваш ЁКУБЖОНОВ,
Файрат ШЕРАЛИЕВ,
Мўмин ИБОДОВ,
Даврон АХМАД
(суратлар),
«Тошкент ҳақиқати»
мухбирлари.

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР! «ТОШВИЛОЯТГАЗ»

ҳудудий корхонаси жамоаси

*Истиқлол нури билан мунаввар азиз Ўзбекистонимиз халқини,
барча дўстларимизни Мустақиллик байрами билан
чин дилдан табриклайди.*

*Шу Ватан озод ва обод бўлишини орзу қилган
не-не мард, жасур аجدодларимиз бахтимиз,
эркимиз тараннум этилаётган ушбу шодиёна кунларга
етмоқ учун фидокорона курашганлар.*

Бугун — ўтган улуғ инсонларнинг руҳи шод бўладиган кун.

*Чунки бахтиёр авлодлар ҳар йили Истиқлолнинг
фарахбахш кунларида уларни ёдга оладилар, руҳларини шод этадилар.*

*Миллий қадриятларимизни, ота-боболарнинг эзгу ишларини
унутмайдиган шу эл-юрт абадул-абад омон бўлсин!*

Юртимиз осмонида Истиқлол қуёши мангу нур сочаверсин!

Бунёдкор элимизу она Ватанимизнинг

иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бораверсин!

*Бугунги хурсандчилик айёмида барчангизга хуш кайфият,
бардамлик, завқли ва баракотли меҳнат, аҳиллик ва тотувлик
доимо йўлдош бўлишига тилакдошимиз!*

Футбол

«МЕТАЛЛУРГ»

ҚАЧОНГАЧА ЧЕКИНАДИ?

Футбол бўйича олий табақа жамоалари навбатдаги 20-тур учрашувларини ўтказдилар.

«Металлург» Фарғонада «Нефтчи» жамоасига қарши тўп сурди. Фарғоналиклар меҳмонлар дарвозасига киритилган ягона тўп ҳисобига галаба қозондилар ва 1-даврадаги мағлубият аламини олдилар. «Металлург» 17 очко билан ҳозирча 14-ўринни эгаллаб турибди.

Турнинг бошқа учрашувларида куйидаги натижалар қайд этилди: «Шўртан» — «Насаф» — 2:3; «Локомо-

тив» — «Машъал» — 2:3; «Трактор» — «Динамо» (Самарқанд) — 2:1; «Андижон» — «Хоразм» 7:1; «Тўпаланг» — «Навбахор» — 1:1; «Сўғдиёна» — «Бухоро» — 2:0; «Пахтакор» — «Қизилқум» — 2:1.

Навбатдаги 21-тур учрашувлари 24-25 август кунлари бўлиб ўтади. «Металлург» ўз майдонида «Шўртан» жамоасини қабул қилади.

Талъат ЮСУПОВ.



Кўчмас мулк сотиб олмоқчи бўлган харидорлар диққатига!

ДАТ «Асака» банки

Тошкент вилояти филиали

Тошкент вилояти Чиноз тумани «Пахта» кўргонида жойлашган 1,2 гектар ер майдонида қурилган ферма биносига харидор изламоқда. Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, И. Оқилов кўчаси, 40-уй.

Мурожаат учун телефонлар: 120-84-05, 120-84-09, 120-84-04.

Шлакблок ҳамда йўлаклар учун шаклли гишт ишлаб чиқарувчи асбоб-ускуна сотиб олмоқчи бўлган харидорлар диққатига!

ДАТ «Асака» банки

Тошкент вилояти филиали

Тошкент вилояти Чиноз тумани «Янги Чиноз» кўргонида турган шлакблок ишлаб чиқарувчи ОКС 1671 Паспорт 1671 ПС пресс ҳамда шаклли гишт ишлаб чиқарувчи мини заводга (ТЕСТСДМ) харидор изламоқда.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, И. Оқилов кўчаси, 40-уй. Мурожаат учун телефонлар: 120-84-05, 120-84-09, 120-84-04.

Сергели туманидаги 284-ўрта мактаб томонидан 2003 йилда Азимходжаев Камолиддин Жамолiddинович номига берилган UN 0421789 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
133-40-48.
Эълонлар: 133-90-82,
136-53-54.

Манзилимиз:

700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.